



2020 у. « 13 » август

№ К-378

« \_\_\_\_ » 20 \_\_\_\_ г.

**Шўрчи тумани “Совжирон” СИУ  
“Оқкамар” маҳалласи худудидан “United  
Continental” МЧЖга ғишт ишлаб  
чиқариш заводи қуриш учун ер майдони  
ажратиш тӯғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги 2019 йил 17 июнданги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/421-сон йиғилиш баёни, Шўрчи тумани ҳокимининг 2020 йил 25 июнданги 545/01-12-сон хатини кўриб чиқиб,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/421-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.
2. Шўрчи тумани “Совжирон” СИУ “Оқкамар” маҳалласи худудидан “United Continental” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 35а-дала контуридаги 0,50 гектар яйлов ер майдони ғишт ишлаб чиқариш заводи қуриш учун доимий фойдаланиш ҳукуқи билан ажратилсин.
3. “United Continental” МЧЖ 0,50 гектар яйлов ер майдони ғишт ишлаб чиқариш заводи қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 692 430 (олти миллион олти юз тўқсон икки минг тўрт юз ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХКМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.
4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шўрчи тумани ҳокимлиги (Б.Худойберганов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишини таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг  
биринчи ўринбосари**



**Р.Пардаев**